


"Стив Жобс" Walter Isaacson асари. Китоб ҳақида(Муқаддима)

17-08-2014, 19:16. Жойлаштириш: [Admin](#)



Бугундан бошлаб сайтимда америкалик журналист Walter Isaacson томонидан ёзилган "Стив Жобс" биографик китобини ўзбек тилидаги таржимасини берib бораман. "Apple" компаниясининг яратувчиси, 20-асрнинг энг буюк инсонларидан бири Стив Жобс ўзи айтганидек дунёни ўзгартира олди. Бугун деярли ҳаммамиз ушбу буюк талант эгаси туфайли дунё юзини кўрган смартфон, планшет ва компьютерлардан фойдаланамиз. Унинг ҳаёти давомида замонавий технологиялар соҳасида қилган "революциялари" инсоният ҳаётини бутунлай ўзгартирди, уни осонлаштириди. Рак касаллиги туфайли дастлабки операциясидан чиққан Стив Жобс "Time"

журнали редактори Walter Isaacsonдан унинг ҳаётлиги вақтида унинг биографиясини ёзишни илтимос қиласи. Ушбу ғайриоддий талант эгасининг ҳаётини 100дан ортиқ одамлар билан қилинган интервюлар, тарихий малумотлар, Стеве Жобс билан сұхбатлар асосида Walter Isaacson китоб сифатида чоп этди. Ушбу китоб сотувга чиққандан сўнг биринчи ҳафтанинг ўзидаёқ amazon.com сайтида сотилаётган китоблар рейтингида биринчи ўринга чиқиб олди ва бутун дунё китобхонлари орасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

Китобни ўқиб чиқиб жуда таъсирланганлигим туфайли атрофимдагиларга ушбу китобни ўқиб чиқиши тавсия қила бошладим. Лекин, афсуски ҳамма ҳам инглиз ёки рус тилларини яхши билмайди, ушбу тилларда китоб ўқий олмайди. Шундан сўнг менда китобни ўзбек тилига таржима қилиш фикри пайдо бўлди. Таржимада китобнинг маъносини имкон бор даражада ўзбек тилига яхшироқ етказиш учун китобнинг инглиз, франсуз ва рус тилларидағи версиясидан фойдаланилди. Умид қиласманки, таржима сизга маъқул бўлади. Таржимада йўл қўйилган ўзбек тили имло ва лексик хатолари учун олдиндан узр сўрайман!

СТИВ ЖОБС

"Дунёни ўзгартира оламан деб ўйлайдиган даражадаги тентак шахслар, ҳақиқатдан ҳам уни ўзгартира оладилар."

Apple компаниясининг "Ўзгача ўйла" номли reklamasidan (1997-йил)

МУҚАДДИМА

УШБУ КИТОБНИНГ ЯРАТИЛИШИ ҲАҚИДА

Ҳаммаси аслида 2004-йил ёз ойларининг бошида Стив Жобснинг кўнгироғидан сўнг бошланди. У анчадан бери доимий менга нисбатан қандайдир дўстона самимият кўрсатиб келар, айниқса ҳар сафар янги маҳсулоти тақдимотидан олдин, тўсатдан мен билан алоқага чиқарди. Мен ўша даврда "Time" ва "CNN"да ишлардим, Стеве тақдимот маросимини "Time" журналининг ilk саҳифасида ёритилишини, "CNN" да бу кенг ёритилишини хоҳларди. Аммо, 2004-йилга келиб мен на "Time"да, на CNN да ишлардим, анчадан бери Стив билан алоқада бўлмаган ва у ҳақида янгиликларни эшитмаган эдим. У билан мен яқинда азосига айланган Аспен институти ҳақида сұхбатлашдик, унга Коларадода ташкиллаштириладиган ёзги институтимизга конференсия ўтказиш учун келишини таклиф қилдим. У менга иштирок этишдан мамнун бўлишини, лекин саҳнада сўз олмаслигини айтиб ўтди. У менга бироз сұхбатлашиб сайр қилишини таклиф қилди. Менга бу бироз ғалати туюлди. Мен ҳали ўша даврда Стив жиддий масалаларда гаплашиб олиш учун табиат қўйнида сайр қилишини мақул кўришини билмасдим. Сайр давомида мен у ҳақида биографик китоб ёзишимни хоҳлаши маълум бўлди. Мен яқиндагина Бенжамен Франклиннинг биографиясини чоп қилган эдим ва энди бўлса Алберт Эйнштейннинг биографиясини ёзаётган эдим; ўзимча мийиғимда кулиб қўйиб қизиқдим, у ўзини ушбу икки буюк шахснинг давомчиси, улар билан бир сафда туришга лойиқман деб ўйлармикан?! Мен Стив ўз фаолиятининг айни чўққисида,

ҳали ҳаётда жуда кўп юксакликларга эришиши, шу билан бирга жуда кўп марта қокилишини ўйлаб ушбу таклифни рад этдим. Унга ҳозир бунга имконим йўқ, 20-30 йилдан кейин нафақага чиққанингда ёзарман ҳали деб жавоб бердим.

Мен у билан 1984-да йилда танишгандим. Ўшанда Стив Жобс "Time-Life" журналининг Манхеттендаги биносига редаксия жамоаси билан тушлик қилгани келганди. Бундан мақсад янги Масинтош ни реклама қилиш эди. У ўша даврдаёқ жizzаки ва серғайрат эди; У журналистларимиздан бирини ўзи сир тутмоқчи бўлган фактларни мақоласида очиб қўйганликда айблади. У билан қанча кўп суҳбатлашган сари, шунча кўп менга унинг иштиёқ ва гайратга тўла, ҳамма нарсани ўзига бўйсингиргувчи характеристири ёқа бошлади. Биз ҳатто Стив "Apple" дан четлатилгандан кейин ҳам доимий алоқада қолдик. У ҳар сафар қанақадир нарсанинг тақдимотини ўтказганда, масалан бу NeXTнинг янги бир компьютери бўладими ёки Pixar нинг янги филми бўладими, у ҳаяжон билан менга мурожаат қиласиди ва ҳар сафар мени Манхеттиндаги ресторанлардан бирига "суши" егани таклиф қиласиди: У ҳар сафар янги махсулоти бутун умр давомида яратган нарсаларининг энг зўри эканлигини ҳаяжон билан такидларди. Унинг табиати менга ёқарди. У "Apple"да ўз тахтини қайтиб эгаллаганда, "Time" журналининг илк саҳифасини унга бағишлидик. Бироз ўтиб, сўнгги юз йилликнинг энг муҳим шахслари ҳақида мақолалар туркуми яратаетганлигимиздан хабар топиб, у менга бир неча ғоя берди. Ўша вақтда у машхур "Ўзгача ўйла" реклама компаниясини бошлаган, ушбу компаниядан у ўз "икона"лари рўйхатига зга эди. Стив ушбу рўйхатда танлаган шахсларнинг базилари бизнинг мақолалар туркумiga ҳам киритилганди. Буюк инсонларнинг тарихдаги аҳамиятини тахлил қилиш у учун қизиқарли эди. Унинг биографиясини ёзишни рад этган бўлсам ҳам, биз тез-тез телефонлашиб турардик. Бир куни мен электрон почта орқали жўнатган хатимда "Apple"нинг номланиш тарихи ҳақида сўрадим. Бундан бир неча кун олдин қизим "Apple" компаниясининг логотипи буюк математик Алан Туингга бағишланганлигини айтганди, шу масалада бироз тортишиб қолгандик. Ундан шуни сўраш учун ҳам ёздим. Алан Туинг иккинчи жаҳон уруши даврида немис Энигма сирли кодларини очган буюк инглиз олими, криптограф ва замонавий информатика пионери эди. У сион газига бўккан олмадан заҳарланиб оламдан ўтган, қизим унинг ҳурмати учун ҳам Стив Жобс ўз компаниясини "Apple" деб номлаганлигини даво қиласиди. Жобс агар ростан ҳам шундай бўлганда хурсанд бўлишини, ушбу фикр унга ёққанлигини, лекин Apple логотипининг келиб чиқишини бу ғояга умуман алоқаси йўқлигини, бу ўша вақтда хаёлига ҳам келмаганини асослаб жавоб берди. Ўшанда Apple компаниясининг яратилиши тарихи ҳақида иккаламиз ўртамиизда ёзишувлар бошланди: ва шунда, бир кун келиб мабодо Стивнинг биографиясини ёзишга қарор қилиб қолсам деб маълумот йиға бошладим. Алберт Эйнштейн ҳақидаги китобим чиққанда, Стив Палто Алтодаги тақдимот маросимиға келди ва яна бир бор мени бу китобни ёзишга ундаш

учун четга тортди.
Ундаги қатъият мени лол қолдиради. У одатда шахсий ҳаётини қай даражада сир сақлашини ҳамма яхши билади, шу билан бирга у шубҳасиз ҳеч қачон менинг асарларимдан бирортасини ўқиб кўрмаганлигига ишончим комил эди. -Балки бирор кун ёзарман, - жавоб бердим унга. Аммо, 2009-йилда унинг турмуш ўртоғи Лорен Пауелл менга телефон қилиб қолди: "Агар сиз бу китобни ёзмоқчи бўлсангиз, яххиси шошилинг". Жобс тиббий сабабларга кўра яна бир бор "Apple" да кўринмасдан қолган, тиббий таътил олган давр эди. У менга илк маротаба биографиясини ёзишни таклиф қилгандан, унинг касаллигидан хабарим йўқ эди. Лорен деярли ҳеч ким бу ҳақида билмаслигини, Стив сўнгги марта менга иккинчи операция столига ётишдан олдин телефон қилганлигини айтиб ўтди. Вазиятдан келиб чиқиб мен унинг биографиясини ёзишга қарор қилдим. Мени лол қолдирган нарса шу бўлдики, Стив мен ёзаётган матнни умуман назорат қилмасликни, ҳатто китоб чиқишидан олдин уни кўрсатишни ҳам сўрамасликни ваъда берди: "Бу сенинг китобинг. Мен уни ҳатто ўқиб ҳам кўрмийман". Аммо, куз ойларига келиб ундан бирор бир янгилик бўлмади, шу сабабли Стив китоб ҳақидаги режасидан воз кечди деб ўйладим. Ўша даврда унинг касали қайтатдан авж олган, мени бўлса бундан хабарим йўқ эди. У қўнғироқларимга жавоб бермаганлиги туфайли китобни ёзишни бир муддатга тўхтатдим.

Кейин, у 2009-йилнинг 31-декабр куни тушлиқдан сўнг менга қўнғироқ қилиб қолди. У синглиси, ёзувчи Мона Симпсон билан Пало Алтодаги уйида вақт ўтказарди. Унинг турмуш ўртоғи фарзандлари билан дам олгани тоқقا кетган, Стив саломатлиги ёмонлиги туфайли уларга шерик бўлолмаганди. У ғамгин кайфиятда менга бир соат давомида турли хил нарсаларни гапириб берди. У 12 ёшида қандай қилиб рақамли частотаметр қурганлиги, ёшлигига қандай қилиб маълумотлар дафтарчасида НР компанияси асосчиси Билл Хюлеттнинг телефон рақамини топиб, унга қўнғироқ қилиб керакли деталларни бериб туришини сўраганлигини эслаб ўтди. У Apple га қайтгандан кейинги сўнгги 12 йил ҳаётида энг сермаҳсул давр бўлганлигини чунки бу даврда жуда кўп янги маҳсулотлар чиқариб бошлаганлигини айтди. Аммо энг муҳими қачонлардир Билл Хюлетт ва Девид Паскард эришган муваффақиятни такрорлай олганлигига алоҳида урғу берди; Улар шу даражада инновацион ва креатив компания яратишви, ҳатто улардан кейин ҳам компания яшаб қолди.

"Мен доим гуманитар соҳада таълим оламан деб ишонардим, лекин менга электроника жуда қизиқарли эди - давом этди Стив.- Кейин мен тўсатдан болаликдаги кумирларимдан бири Полароид хўжайини Эдшин Ленднинг табиий ва гуманитар фанлар кесишидиган чорраҳада ишлайдиган мутахассисларнинг аҳамиятии ҳақидаги фикрларини оқъиб қолдим ва келажакда айнан шу нарса билан шуғуланишга қарор қилдим". Кўринишидан, Стив менга китобда ёритилиши керак бўлган асосий мавзуни шипшиштди. Мен Франклин ва Эйнштейннинг биографияси остида

ишлаганимда, гуманитар фанларга бўлган мухаббат аниқ фанлар билан кесишганда, буюк инсонларнинг учун бу ижод манбаи бўлганлиги мен учун ҳамма нарсандан ҳам қизиқ бўлганди. Ундан ташқари бу ХХI асрда инновацион иқтисодиётни яратишнинг қалити эканлигига ишончим комил эди.

Лекин, нима учун Жобс биографиясини ёзиш учун айнан мени танлади? "Сен инсонларни ичидағини очишни, уларни ўзлари ҳақида гапиришишни яхши биласан"- тан олди Стив. Мен ундан бунақа жавобни кутмагандим. Мен Стив қачонлардир ишдан ҳайдаган, алдаган ёки ташлаб кетган инсонларни сўровга тутишим керак бўлар, уларнинг очиқ жавоблари Стивга ёқмаса керак деб кўркқандим. Бошида шунга ўхшаш вазият содир бўлди. Ва ҳақиқатдан ҳам, мен кимни сўроқ қилаётганимда ҳақидаги мишишлар Стивга етиб борганда, у асабийлашарди. Аммо, икки ойлардан сўнг у ўзи одамларни, ҳатто энг катта душманлари ва эски дўстларини мен билан суҳбатлашишга ундей бошлади. У бирор марта мени қайсиdir мавзу юзасидан чегаралашга ҳаракат ҳам қилмади. "Мен ҳаётда уяладиган бази бир ишларни қилдим. - сўз олди Стив. - 23 ёшимда мендан ҳомиладор бўлган қизни ташлаб кетдим. Лекин, ҳали ҳеч кимни ўлдирмадим, аниқ жавонимда яшириб қўйилган мурда йўқ". Якунда Жобсдан 40дан зиёд интервю олдим. Интервюлардан айримлари жуда расмий кўриниш олган бўлса, базиларида Стив очиқ-оидин гапирди. Интервюлар асосан унинг Пало-Алтодаги уйида, базилари узоқ сайр ва телефон суҳбатлари вақтида олинди. Китоб учун маълумот йиққан бир ярим йил давомида Стив билан анча яқинлашиб қолдик, у менга анча очиқ гапирадиган бўлиб қолди. Шунга қарамасдан базида унинг ҳамкаслари "реалликни бузиб кўрсатиш майдони" деб номлайдиган нарсага дуч келдим. У базида ҳаммамизда бўлиб турадигандек айрим нарсаларни эсдан чиқарарди ёки адашиб кетарди, лекин базида у ҳақиқатни қастдан бузиб айтар, мени ва шу билан бирга ўзини ҳам алдарди. Унинг айтганларини текшириб қўриш ва бойитиш учун унинг юздан ортиқ дўстлари, қариндошлари, рақиблари, душманлари ва ҳамкаслари билан суҳбатда бўлдим, уларни сўроққа тутдим. Унинг хотини Лорен менга китоб устида ишлашда катта ёрдам кўрсатди, лекин у ҳам бирор марта мени чеклашга ёки назорат қилишга ҳаракат қилмади, ҳатто китобни чоп этишдан олдинги тайёр ёзма версиясини ҳам сўрамади. Аксинча у мени холис бўлишга ундали, Стивни ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳадларини ҳам бирдек тасвирлашимни сўради. Лорен мен ҳаётимда учратган энг ақлли ва мулоҳазали инсонлардан бир эди. "Унинг ҳаётининг нопок қисмлари, шахсиятининг танқидий томонлари бор ва бу ҳақиқат, - фикр билдириди Лорен. - Сиз буни яшириб ўтирунг. У найрангбозликда устасиз фаранг, лекин у ажойиб ҳаёт йўлини яшаб ўтган, бошқаларга ҳақиқатни айтишга арзийдиган буюк ҳаёт йўлини босиб ўтган. Мен яхши ҳам, ёмон ҳам борича холис ёритилишини хохлайман".

Буни уddyалай олдимми ёки йўқ, - бунга баҳо бериш энди китобхоннинг хукмида. Ушбу китоб яратилишида иштирок қилганларнинг кўпчилиги у ёки

бу воқеани бошқача эслashi ва мен Стивнинг "реалликни бузиб кўрсатиш майдонига" тушиб қолганлигимни гумон қилиши мумкинлигига аминман. Унинг биографияси билан ҳам Генри Киссинжер ҳақидаги китоб ёзишда содир бўлганга ўхшаш ҳолат содир бўлди. (Ушбу китоб қайсиdir маънода бу китобни ёзишга яхши тайёргарлик бўлди). Турли хил инсонлар Стив ҳақида ижобий ёки салбий шунчалик кўп фарқли фикрга эгаларки, буни факат "Рашомон эффиқти" билан тушинтириш мумкин (Рашомон эффиқти назариясига биноан айнан бир воқеаликни ҳар бир иштирокчи турлича қабул қиласди. Стивни ҳам кимдир яхши шахс сифатида эсласа, кимдир умуман салбий шахс сифатида хотирлайди). Лекин мен қўлимдан келганча энг холис нуқтаи-назарни яратишга ҳаракат қилдим ва ўзим мурожаат қилган манбаларни китобда санаб ўтдим.

Қўлингиздаги китоб ақл илғамас даражада кучли шаҳсиятга эга бўлган иқтидорли бизнесменнинг ҳаёти, унинг юксалиши ва таназзулари ҳақидадир. У ҳаёти давомида мукаммалик сари бўлган ҳаракати, ҳаётий иштиёқи эвазига шахсий компьютерлар, анимация, мусиқа, телефон, график планшетлар ва электрон китоблар каби иқтисодиётнинг олти бўғинида революция қила олди. Бунга ҳатто еттинчи бўғинни ҳам қўшиш мумкин. Бу савдо саноатидир; бу соҳада Стив фақат катта ўзгаришгина қилиб қолмасдан, ўзининг Apple Store лари билан магазинлар концепсиясини қайта кашф этди. Шу билан бирга у интернет сайтларисиз, мултимедиа дастурлари орқали электрон манбалар сотувига мўлжалланган янги бозорга йўл очди. У фақатгина инновацион махсулотлар яратиш билан чегараланиб қолмасдан, иккинчи уринишда бўлса ҳам ишончли, ҳаётchan, жонли компания яратди, унга ўзининг бутун ижодий ҳаракатини бағишилади, энг креатив дизайннерлар ва унинг гўяларини амалга ошира оладиган иқтидорли инженерларни ишга олди.

Шу билан бирга китоб бу инсониятнинг яратувчанлик қобилияти (инновация) ҳақидаҳамдир. Америка Қўшма Штатлари бор кучи билан инновация соҳасида ўзининг ўрнини сақлаб қолишга, бутун дунё мамлакатлари рақамили технологияга асосланган янги иқтисодий мувозанатни ўрнатишга ҳаракат қилаётган ушбу даврда Жобс ижодкорликнинг, тасаввуротнинг, яратувчанликнинг, мардонаворликнинг мабуди сифатида гавдаланади. У биринчилардан бўлиб XXI асрда муваффақиятга эришиш учун тасаввурот ва технологияни бирлаштириш кераклигини тушинди, натижада тасаввурот замонавий технологиялар тараққиёти билан ҳамоҳанг борадиган компанияни яратди. "Apple"даги ҳамкаслари билан улар доимо "ўзгача" фирмлашди; замонавий техник инновацияларни ўзида бирлаштирган махсулотлар билан чегараниб қолишмади, аксинча бундан олдин истеъмолчи ҳатто фараз ҳам қилолмаган махсулот ва хизматларни яратишли. Жобсни намунали раҳбар ёки мукаммал инсон деб аташ қийин. Шайтон йўлига кирганда, Жобс ўз атрофидагиларни кўп жаҳлини чиқарар, хафа қилар, уларни умидсизлик ботқоғига ботирарди. Аммо унинг ҳар бир махсулотида унинг ҳарактеридан, иштиёқидан нимадир акс этган, унинг

камчиликлари ва ижобий томонлари бир бирига боғлиқдир, худди Apple компьютерлари ўз дастурига боғланиб қолганидек. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб бутун бир тизимни яратади. Жобснинг тарихи бир вақтнинг ўзида ҳам ибратомуз, ҳам одамни эҳтийоткорликка чорлайди. Бу тарих инновация, бошқаларга бўлган муносабат, лидерлик хусусиятлари ва инсоний қадриятлар ҳақидаги катта бир ҳаёт дарсидир. Шекспирнинг "Генри V" асарида ақлий жиҳатдан ўсмай қолган шахзода, отасининг ўлимидан сўнг иштиёқли, аммо эҳтиросли; бешавқат аммо таъсирчан; ихлоскор лекин номукаммал шохга айланиши ҳақида гап боради. Ёш қиролнинг муаммоси жуда оддий эди; у отасидан қолган меросни бошқариши керак эди. Ушбу асар шундай бошланади: "Оҳ, агар мен тассурот оламининг энг ёрқин нуқтасига чиқа оладиган илхом парисига эга бўлганимда эди." Стив Жобс учун "тасаввурот осмони"га кўтарилиш икки ота, икки она ва яқиндагина кремнийни олтинга айлантиришни ўрганганди Силикон водийсида ўтган болалик билан бошланди.



Пол Жобс ва Стив Жобс, 1956 - йил



Саннивелдаги уй ва гараж. Apple компанияси айнан шу гаражда очилган.



Хоумстеддаги мактаб бити्रувчилари албомидаги расм, 1972 - йил



Мактабдаги байрам кечаси учун тайёрланган плакат билан